Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 40 (7.129) 1990 йил 19 февраль, душанба Баҳоси 3 тийин

Газетанинг шу сонига

МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРИШДИ

Тошкент, 1990 йил 18 февраль



Кеча эрта тонгдан бошлабоқ сайлов участкалари одамлар билан гавжум бўлди. Улар ўзларининг муносиб номзодлари учун овоз беришмоқда.

Ушбу сайлов ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Номзодликка меҳнатда чиниққан, юрт-элга танилган, умумманфаати учун астойдил жон куйдирадиган кишилар кўрсатилган эди. Минг-минглаб турли касб эгалари қатнашган сайловолди учрашувлари мунозаралар, қизғин баҳс ва тортишувлар билан ўтди. Қайта қуриш шарофати туфайли чинакам ошкоралик ва демократия руҳида ўтаётган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови кеча поёнига етди. Номзодлар сўнгги бор сараланди. Шаҳримиздаги 250 сайлов округи бўйича рўйхатга олинган номзодлардан кимлар депутатликка муносиб топилади? Буни якуний ҳисоб-китоб кўрсатади.

18 февраль куни эрталаб соат 6 дан 30 минут ўтганда Октябрь районидаги 85-ўрта мактабда жойлашган 314-сайлов участкасига етиб келдик. Участка раиси Анвар Рўзиев бизни овоз бериладиган номзодлар рўйхати билан таништирди.

— Участкамизда 2789 сайловчи рўйхатга олинган. Улар бугун Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қулаҳмат Ризаевга, шаҳар Совети депутатлигига номзод Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Ҳусниддин Орипова, район Советига номзод «ТашГИИТИ» бош мутахассиси Тўлқин Қодировга ўз ишончларини билдиришади.

Сайловларда биринчи марта овоз бераётган Муҳайё Қосимова билан таништик.

— Халқ танлаган номзодлар учун овоз бермоқдаман, — дейди у. — Депутатларимизга менинг талаб ва истагим битта: улар осмонимизнинг ҳамиша мусаффо бўлиши, юрт-эл тинчлиги ва фаровонлигини кўзлаб иш юритишса дейман.

Сайлов қоғозлари ташланадиган қутича олдида Абдумутал Манноновни учратдик. У райондаги Ильич номли маҳалла комитетининг раиси экан.

— Сайловларда жуда кўп марта қатнашганман. Лекин бундай демократик руҳда ўтаётган сайловни биринчи марта кўришим. Номзодларни халқ танлади. Бугун эса улар учун жон-жон деб овоз бераяпмиз. Депутатларимиз бизнинг ишончимизни оқлашларига аминмиз. Чунки улар ҳақиқий фидойи кишилар.

336-сайлов участкаси Собир Раҳимов районида жойлашган. Бу ерда 2612 сайловчи овоз беради. Эрталаб соат саккизгача уларнинг 50 фоиздан кўпроғи участкага келиб кетишга улгуришибди.

Эшикдан хушнуд кириб келаётган сайловчилар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига жумҳурият прокурори Дмитрий Александрович Усатовнинг номзоди учун овоз беришяпти. Шаҳар Совети депутатлигига эса икки кишининг номзоди кўрсатилган. Улар «Семруғ» фирмаси директори Светлана Борисовна Холопова, Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Салоҳиддин Абдукаримовлардир. Хўш, улардан қайси бири депутат бўлиб сайланади? Бу албатта сайловчилар ҳукмига ҳавола.

Район Советига 13-сайлов округидан, ёғочни қайта ишлаш комбинати директори Игорь Моисеевич Каневский ва 14-сайлов округидан, Тошкент экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-текшириш институти бош инженери Лев Аҳмедович Мухаметшинлар депутат этиб сайланишмоқда. Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Абдуманноп Сарибоев бизни қўлида бир даста гул кўтариб олган қизча билан таништирди. Наталья Суэтнинанинг бугун туғилган куни экан. Яна бир қувончли воқеа унинг бу йил сайловларда биринчи марта қатнашаётганлигидир. Ўз навбатида биз ҳам Натальяни бугунги қувончли кун билан табрикладик.

Шу райондаги маданий-маърифий техникум биносига жойлашган 397-сайлов округига келганимизда соат тўққиздан сал ошганди. Шу вақтгача участкада овоз бериши лозим бўлган 780 кишининг саксон фоизи сайловдан ўтишибди.

Ҳамза районидаги 519-сайлов участкасидамиз. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси Муқаддам Ҳасанова бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Сайловчиларимиз энг муносиб номзодлар учун овоз беришяпти. Айниқса улар шаҳар Совети учун депутат танлашда анча бош қотиришяпти. Чунки участкамиздан бир йўла тўрт кишининг номзоди шаҳар Совети депутатлигига кўрсатилган. Улар «Узбекэнерго»нинг сектор раҳбари Римма Фёдоровна Булат, Ўзбекистон саёҳатлар республика кенгашининг базаси директори Зоҳиджон Ҳакимов, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари Ирина Фёдоровна Зибарская, Тошкент Давлат дорилфунуни ўқитувчиси Иминжон Эгамбердиевлардир. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига эса 1-уйсозлик комбинатининг бетончилар бригадаси бошлиғи Воҳид Исломбоев учун овоз бераяпмиз.

Биз бу ерда энг ёш сайловчи Шоира Аҳмедова ва кекса сайловчи Абдулла Алиматовларга «Ким учун овоз бераяпсизлар?» деган савол билан мурожаат қилдик.

— Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига Воҳид Исломбоев, шаҳар Совети депутатлигига эса Ирина Фёдоровна Зибарскаяларнинг номзодларини кўрсатаяпмиз. Улар оддий ишчилардир. Халқнинг кўнглидаги дарди ва муаммоларини яхши билишади. Сабаби бундай оддий касб эгалари ҳамиша меҳнаткашлар билан мулоқотда бўлишида, дейишди улар.

Шу куни бошқа сайлов участкаларида ҳам бўлдик. Турлик миллат вакиллари билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳаммаси бу йилги сайловлар чинакам ошкоралик ва демократия руҳида ўтаётганлигини баён этишди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: Куйбишев ва Сергели районларида жойлашган сайлов участкаларидан овоз бериш лавҳалари акс эттирилган.

Суратказ **Т. Каримов.**



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Буюртмачилар ташаккури

⊙ ТОШКЕНТ экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи

БУГУН буюртмачиларидан раҳматнома мактубини олишди. Улар мажбуриятдан ташқари 55 та вагонни ремонт қилиб бердилар. Яхши ташкил этилган ремонт хизмати шундай ўзиб ишлашга ёрдам берди. Вагонларнинг деталлари тикланадиган махсус участка энг янги ускуналар билан таъминланган. Участка коллективи ишни икки сменада ташкил этган.

Д. ОБЛАЕВ.

«Себзор»даги осмонўпар

⊙ ТУРАР ЖОЙ — 2000 йил дастурини амалга оширишда қурилиш кооперативларининг ҳам муносиб улуши бор. Жумладан, Октябрь район турар жой кооператорлари ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 634 та квартирани фойдаланишга топширган бўлса, бу йил 32 минг 326 квадрат метр, яъни саккизта 9 қаватли уй-жой биносини қуришни мўлжаллашган.

БУГУН «Себзор» даҳасида 108 квартирали 9 қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Д. МУРОДОВ.

Тошкент самовари

⊙ В. П. ЧКАЛОВ номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи

БУГУН Ҳамза райони маҳаллаларига сиғими 100 литрли 10 та самовар юборди. Февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида яна 50 та ана шундай буюмлар юборилади. Корхона бундай буюртмани район маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш илтимосига кўра адо этди.

Д. АЪЛОЕВ.

Тез ва соз

⊙ «АГРОПРОМРЕМОНТ» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тажриба-ремонт-механика заводи коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили биринчи ойини яхши натижалар билан якунлади. Қишлоқ механизаторлари буюртмалари тез ва ўз вақтида соз бажарилди.

БУГУН бир миллион 340 минг сўмлик яқин маҳсулот реализация қилинди. Шундан 390 минг сўмлик яқини планга қўшимчадир. Бу маҳсулотнинг асосий қисми ҳайдов тракторларининг двигателлари ва эҳтиёт қисмлардир.

А. ҚОДИРОВ.

Либосингиз муборак!

⊙ САОДОТ Ҳасанова бошлиқ бригада аъзолари «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадамларидан биридир. Бу коллектив

БУГУН замонавий модадаги «Д» 4—14 маркали хотин-қизлар учун пахмоқ халатлар тикиб чиқаришни йўлга қўйди.

Шартнома бўйича тайёрланган буюмлар ҳажми белгиланганидан анча юқори бўлди. 118 минг сўмлик маҳсулот савдо шохобчаларига жўнатилди. Хотин-қизларимиз учун жуда мос қилиб тикилган бу либослар уларга жуда ярашади.

Д. ЗОКИРОВА.

Меҳнат енгил бўлди

⊙ ТОШКЕНТ чинни заводида чойнак ишлаб чиқарадиган автоматик линиянинг ишга туширилиши чинисозлар меҳнатини анча енгиллаштирди. Бу линия асосан қолиплаш автомати ва тез қуритувчи машинадан иборат. У минутига еттита чойнак ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу билан корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг шу турини ишлаб чиқариш уч ҳиссага ортди.

Бундай қурилманинг ишга туширилиши қолиплашда банд бўлган 4 кишининг меҳнатини бир киши бажариш имконини берди. Натижада йилига 30 минг сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинадиган бўлинди.

Б. АСОМОВ.

«Наврўз» байрамига

⊙ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Кўкалдош» меъморчилик ансамбли асосан беш та тарихий ёдгорликдан иборат.

Шундан тўрттаси бутун бўлса, биттаси Хўжа Аҳрор мақбараси XV асрга оид бўлиб, фақат пойдевор қисми сақланиб қолган.

БУГУН «Усто» бирлашмасининг 5 бригададан иборат таъмирловчилари ана шу меъморчилик ансамбли ишга бошлашди. Улар «Наврўз» байрамигача иккита ўқув хоналари ва бинонинг олд қисмини таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқчи.

Д. ҚОСИМОВ.

Бозорлардаги нарх-наво

⊙ ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН! Бугундан эътиборан кўплаб оқшомхонларнинг истакларига кўра шаҳримиздаги энг йирик Олой, Октябрь, Қорасув, Фарҳод бозорларидаги сут, сабзавот ва ҳўл мевалар нинг бозор нархини мунтазам бериб борамиз. Шу ҳақдаги маълумот сизни қизиқтирса 4-саҳифадаги жадвалга қаранг.

⊙ Азиз газетхонлар! Сиздан шаҳримизда рўй бераётган янгиликлар, воқеалар ҳақида маълумотлар кутамиз. ТЕЛЕФОНИМИЗ — 32-55-39.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Турли миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп истакларини эътиборга олиб, Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. Горький номли давлат рус академик драма театри коллективининг қурилаётган бинони миллатлараро театр учун бериш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида республиканинг театр ва концерт коллективлари ҳамда миллий-маданий марказлар ва уюшмаларнинг ижодий коллективлари учун Тошкент шаҳрида миллатлараро «Наврўз» давлат театрини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Наврўз» саҳнаси, унинг студияси Совет Иттифоқи қардош республикаларининг театр-концерт коллективларига, Ўзбекистоннинг барча миллий-маданий марказларига драма театри коллективининг қурилаётган бинони миллатлараро театр учун бериш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрида республиканинг театр ва концерт коллективлари ҳамда миллий-маданий марказлар ва уюшмаларнинг ижодий коллективлари учун Тошкент шаҳрида миллатлараро «Наврўз» давлат театрини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига давлат «Наврўз» миллатлараро театрининг дирекциясини тузиш, барпо этилаётган театр базасидан республиканинг миллатлараро маданий марказини сифатида фойдаланишни кўзда тутиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига 1991—1992 йилларда ҳозир ишлаб турган М. Горький номидаги театрни таъмирлаш, техника билан жиҳозлаш ва тубдан тузатиб бериш вазифаси юклатилди.

Республика ҳукуматининг қарорида таъкидланишича, «Наврўз» театрининг барпо этилиши байналмилал тарбияни янада яхшилашга, Ўзбекистонда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг маданий бойликларини ривожлантиришга ва шу бойликлардан ҳаммани баҳраманд этишга хизмат қилади.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ РУС АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ОЧИҚ ХАТИ

Азиз ўртоқлар!

Биз сизларга — ватандошларга, Совет Ўзбекистони пойтахтининг, шунингдек бутун республиканинг аҳолисига мурожаат этяпмиз. Қуйида биз айтадиган гаплар ҳар биримизга ва ҳаммамизга тааллуқли эканига ва социалистик мамлакатимизнинг ватанпарварлари бўлган гражданларнинг ҳаммасига тегишли эканига ишончимиз комил. Биз ижтимоий турмуш учун ҳамма нарсадан азиз бўлган нарса ҳақида — ялпи особиштолик, фаровонлик, бахт-саодат йўлида биргалашиб сарфлаётган куч-ғайратларимизни жипслаштирувчи дўстлик, халқларнинг буюк дўстлиги ҳақида гапиряпмиз.

Бир вақтлар Максим Горький: маданият пешволари, сизлар ким билан биргасиз, — деган саволни берган эди. Бу савол гарчи бошқача урғу касб этган бўлсада, ҳозирги кунда ҳам ўзининг асосий аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Назаримизда, бу савол ҳатто маънавий мажбуриятлар мавзуини кучайтириб, моҳият жиҳатдан сермазмун бўлиб қолди. Бу саволга бизнинг берадиган бирдан-бир тўғри жавобимиз: кўпмиллатли Советлар мамлакатининг халқи билан биргамиз! — дейишдан иборатдир.

Ҳозир ҳар биримиз табаррук дўстлик туғусини мустаҳкамлаш йўлида ҳамма ишни қилишга бурчлимиз. Бунинг учун санъатнинг қурби етади. Айниқса жонли ва оммавий санъат, халқ ишонадиган ва халққа таъсир қиладиган санъат бўлмиш театр санъатининг бунга қурби етади.

Бу мактубда биз аниқ-равшан масала хусусида мурожаат этиб, республика ҳукуматига ўз таклифимизни киритамиз ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз.

Тошкентда — бир вақтлар эски шаҳар билан янги шаҳарнинг чегараси ўтган жойда бизнинг театримизга атаб қурила бошлаган бино, афсуски, кўп йилдан буён битмай ётибди. Яқин келажакда унинг қуриб битказилиши тайин. Биз республикадаги энг катта иморат бўладиган шу бинода ҳозир бениҳоя муҳим ва сўзсиз олижаноб алоҳида вазифани амалга оширишга аталган мустақил муассаса сифатида миллатлараро театр ташкил этишни таклиф қиламиз. Биз ва томошабинларимиз кўп йиллардан буён ўрганиб қолган жойда зарур, эҳтимолки, туб таъмирлаш йўли билан коллективимизнинг ижодий эҳтиёжларига жавоб берадиган бино барпо этиб берилса, бас.

Тошкент кўпмиллатли театри Ўзбекистон пойтахтининг кўрки бўлиб қолсин. У республика саҳна санъатининг марказига айлансин ва унинг саҳнасида мамлакат республикаларининг коллективлари, область театрларимиз ижодкорлари ўзларининг энг яхши томошаларини кўрсатсинлар. Мана шу янги театр Ўзбекистонда яшовчи халқлар миллий маданиятлари марказлари системасидаги энг муҳташам кошоналардан бири бўлиб, уларнинг мулоқоти, яқинлашуви, дўстлиги макони бўлиб қолсин! Мана шу янги театр иштирокида маданиятимиз гуллаб-яшнайверсин, кўп халқларнинг илғор анъаналаридан баҳра олган ва Октябрдан кейинги ўн йилликлар давомида олға томон катта қадам ташлаган Ўзбекистон санъати равнақ топаверсин!

Театр коллективининг топшириғига биноан мактубга қуйидагилар имзо чекдилар:

СССР халқ артисти М. Ф. МАНСУРОВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти В. А. РУСИНОВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Д. АЛЕКСАНДРОВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. Н. ГРЯЗНОВА, Ўзбекистон ССР халқ артисти В. В. ПАВЛЕНКО, Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Г. ЕФРЕМОВА.

Очиқ хат театр коллективининг умумий йиғилишида 1990 йил 14 февралда қабул этилган.



● ВОРИСЛАР. «Компрессор» заводининг ремонтчи слесари Тошпўлат Расулов ўғиллари Ўткир ва Завқий билан. Ҳ. Шодиев сурати.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

САДОҚАТ

НАИМА Юсуповада тикувчиликка ҳавас эрта уйғонди. У мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ тикув-бичув тўгарагига фаол қатнашди. Бу ерда ўзи меҳр қўйган касб сирларини қунт билан ўзлаштириб олди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг тўғри Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасига ишга келди. Бу ерда у аввалига шогирд бўлиб ишлади. Дастлабки қийинчиликлардан чўчимади. Меҳнатга меҳр қўйди. Билмаганларини ўз касбининг усталари бўлган тажрибали ишчилардан ўрганди. Кўплаб операцияларни бажаришни тезда ўзлаштириб олди. Меҳнат Наимага бахт келтирди. У кейинчалик илғорлар сафидан ўрин олиб, корхонадаги тажрибали ишчиларнинг бирига айланди. Ҳозир Наима корхонанинг биринчи цехида меҳнат қилмоқда. Бу ерда асосан эркаклар ва болаларга мўлжалланган бош кийимлар тикилади.

— Меҳнат кишига чинакам бахт келтиришини шу ерда чин юракдан ҳис этдим, — дейди Наима Юсупова биз билан суҳбатда. — Ўзимга тошириладиган ишни ҳамиша сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламан. Тикилаётган бош кийимларнинг сифати ҳамиша диққат-эътиборимда туради.

1983 йил Наиманинг ҳаётидаги энг қувончли йилларнинг бири бўлди. У шу йили КПСС сафига қабул қилинди.

Моҳир тикувчи мураккаб операцияларни тез ва соз бажаради. Шунинг учун ҳам у кунлик ва ойлик нормаларини 140—150 фоизга адо этади. Корхона маъмурияти Наимани ишда эришган ютуқлари учун бир неча фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирлади.

Мана, Наиманинг фабрикада ишлаётганига ҳам ўн саккиз йил бўлиб қолибди. У шу йиллар ичида ўз план ва топшириқларини ортиғи билан адо этиши билан бир қаторда бир қанча шогирдларни ҳам тикувчилик ишига ўргатди. Айни пайтда унинг шогирдлари ҳам Наима сингари моҳир касб эгаси бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Севара Абдураҳмонова, Шоҳида Исроилова, Дилфуза Мадамбекова каби тикувчилар шулар жумласидандир. Улар маҳсулотнинг сифатига эътибор бериш билан бир қаторда кунлик ва ойлик нормаларини 130—140 фоизга бажармоқдалар.

— Наима коммунист сифатида жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади, — дейди цех бошлиғи Мўътабар Нурмуҳамедова биз билан суҳбатда. — У цех касаба союз ташкилоти раисининг ўринбосари. Ёшларга доимо ёрдам беради. Цехда йиғилиб қолган муаммоларни касаба союз йиғилишларида кўтаради. Ишчиларнинг сифатли овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун қайғуради. Хуллас, Наима Юсупова коммунист сифатида жамоат топшириқларини адо этишга ҳам алоҳида куч ғайрат сарфламоқда. Касбига садоқати ана шундай самарали ишлашида қўл келаяпти.

Ғ. ЮСУПОВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

Масъулият ва интизом—қайта қуриш асоси

ҚУРУҚ ГАП ДАВРИ ЭМАС

ҲАР БИР ишлаб чиқаришда аввало иш мезонини меҳнат интизоми белгилайди. У қаерда бўшашган бўлса, у ерда ютуқ кутиб бўлмайди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпгина фабрикаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиняпти. Лекин режа бўлимидаги мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра юзлаб тонна калава, миллионлаб метр хом сурп ва тайёр газламалар, миллион доналаб ғалтак иплар етказиб берилмаётгани кўрилаётган заарарнинг бош сабабидир.

Белгиланган кўплаб режаларнинг [illegible]маслигига яна сабаб кўп. Кўплаб техниканинг бекор тургани, эскилиги, хом ашёнинг етишмаслиги, қолаверса, ишга сабабсиз келмаслик ва кечикиб келишлар ойма-ой сурункали иллат бўлиб келяпти.

Пардозлаш фабрикасида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот тўғридан-тўғри савдо марказларига юборилади. Маҳсулотнинг сифатли ишлаб чиқарилишида биринчи навбатда техниканинг роли катта бўлади. Бироқ афсуски, бу фабрикада ишлатилаётган техниканинг кўпчилиги эски, талабга мутлақо жавоб бермайди. Шартнома асосида 1988 йилда буюртмачиларга юборилган маҳсулотнинг 1 миллион 416 минг метри улар томонидан яроқсиз деб топилган. Бу эса 590,1 минг сўм зарар келтирган эди. 1989 йилда эса 731,2 минг метр тайёр газлама савдо марказларидан қайтди. Энг аччиқ ҳарорини шундаки, орқага қайтарилган газламанинг 208 минг метри Болгариядан.

Фабрика раҳбарларига сифат масаласида дарс беришнинг кераги йўқ. У ердагилар малакали мутахассислар. Яқинда савдо марказларидан қайтарилган тайёр маҳсулот текшириб кўрилганда улар орасидан буюртмада йўқ газламалар ҳам аралашиб қолганлиги аниқланди. Шунчалик ҳам совуққонлик бўладими? Қайтарилган маҳсулот учун корхона ўша савдо марказига жарақ-жарақ пул санаб берди.

Фабрикада маҳсулот ишлаб чиқарувчи техника анча яроқсиз ҳолга келиб қолган. Тўғри, бугунги кунга келиб ишлаб чиқаришда янги техника ўрнатишга катта эътибор берилмоқда. Фабрика маъмурияти Германия Федератив Республикасининг «Бабкок» фирмаси билан кенг тармоқли пардозлаш машиналари сотиб олиш бўйича шартнома тузди.Шунингдек Ленинграддаги «ТОЭР» фирмаси билан ҳам мулоқотлар олиб борилди. Сотиб олинадиган техниканинг бирор жойи бузилиб қолса, ленинградлик мутахассисларнинг ўзлари тузатишади. Чехословакиядан гул босиш машиналари келиши кутилмоқда. Хуллас, 1990—91 йиллар пардозлаш фабрикаси учун янгиланиш даври бўлади.

Б. ОРИПОВ.

«АЪЛО» БАҲОГА РОЗИМИЗ

— 1981 ЙИЛНИНГ июнь ойида ёпиқ бозор комплекси лойиҳасини муҳокама қилган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарсозлик кенгаши ўз қароринигг сўнггида ана шундай деб ёзди. Ана ўшанда эсимда бор, шаҳар газетаси бу ноёб тенги йўқ қурилиш ҳақида ҳикоя қилган эди. Сметага мувофиқ 30 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб бунёд этилиши кўзда тутилган. Нормативни бошидан-охиригача ишлаб чиқишга 4 йил кетди.

Ўз ишига шунчалик юқори баҳо олган «Ташгипрогор» институтининг мутахассислари қанчалар қувонишганини тасаввур этиш қийин эмас. Лойиҳанинг бош меъмори Владимир Амирович Азимов комплекснинг аҳамияти, унинг архитектура-планлаштириш ечимлари ҳақида ҳикоя қилар экан, шуни алоҳида таъкидладики, лойиҳа коллектив ижодий меҳнати билан тузилган, шу сабабли ҳам бирор кишини ажратиб кўрсатгиси келмади. Келинг, биз бу комплекснинг ва унинг айрим биноларн ва иншоотлари намуналарини яратган барча архитекторлар, конструкторлар ва инженерлар номларини тилга олиб ўтайлик: С. Одилов, И. Кирилец, К. Ли, Ф. Сивинцев, Н. Намедина, Г. Бельфер, Л. Катукова, Ю. Бобровских, В. Ванюшин, Т. Воловая, Т. Ермилова, А. Мухторов, П. Неъматуллаев, В. Стригалева, Л. Чухович, С. Кириллов ва Д. Исломов. Уларнинг кўплари ўз меҳнатларининг самарасини кўриш арафасида туришибди. Бу йирик гумбаз шаклидаги иншоот савдо залларига, новвойхонага, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган омборхона, совутиш мосламалари, ошхона, хўжалик бўлими, дирекция биноси ва ҳоказоларга эга бўлади...


Энди бироз тарихга тўхталайлик. 70-йилларнинг охирида ва 80-йилларнинг бошида Октябрь бозорини тартибга келтириш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлди. Бу машҳур бозор тез ривожланиб бораётган шаҳар учун торлик қилиб қолди. Бозор эски шаҳарда кўримсиз бўлиб ётарди. Уни қандай қилиб янгилаш, қайта қуриш керак? Бу бозорни таъмирлаш унинг фаолиятини бир неча йилларга тўхтатиб қўйиш демакдир. Ахир, ҳамшаҳарларимиз Тошкентдаги энг йирик бу бозордан ўзларига зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат моллари харид қилишарди, ўз пешона терлари билан тайёрланган буюмларни сотишарди. Бунинг устига у ерости суви яқин бўлган пастқамликка жойлашган. Бу ҳам ушбу майдоннинг инженерлик қурилмаларида кўпгина мураккабликлар туғдирарди. Қисқаси, бозорни таъмирлашдан воз кечишди. Энди иккинчи йўлни танлашди. Бу йўл шундан иборат эдики, шу бозорнинг ёнгинасида, тепароқ жойда Беруний кўчасига туташтириб, ҳозирги бозорга халақит бермаган ҳолда янги комплекс бунёд этиш. Бу йўл ижтимоий характердаги қийинчилик ва мураккабликлар туғдирмасди, дейиш ноўрин бўлур эди. Аҳоли зич жойлашган эски типдаги маҳаллаларнинг ўнлаб уйларини бузишга тўғри келди.

Комплекс 20 дан зиёд объектни ўз ичига олади. Уларнинг ҳаммаси битта мақсадга — товар оборотн соҳасига хизмат қилади. Улар шундай жойлаштирилганки, колхоз ёки колхозчи даладан ёки фермадан олиб келган маҳсулотини сотиб, шу заҳотиёқ унинг пулига ёки бир қисмига ўзи учун зарур бўлган мебель, хўжалик моллари, бинокорлик материаллари ва бошқа саноат моларини харид қилиши мумкин. Жудаям оқилона ўйланган! Фақат истагимиз, бу яхши ният тезроқ амалга ошса...

Метронинг «Чорсу» станциясидан шундоққина чиқишингиз биланоқ кўзингиз улуғвор гумбазга тушади. Бу жойда 1200 ўринли ёпиқ бозор жойлашади. Гумбазнинг остки диаметри— 96, устқиси — 30 метр. Унга Проектная кўчаси томонидан кирилади. Яна иккита кириладиган жой бор. Бири Беруний кўчаси томонидан, иккинчиси эса харидорларнинг дам олиш зонасидан кирилади. Қисқаси, харидорлар оқимига ҳеч нарса халал бермайди. Гумбаз бутун архитектура қиёфасининг энг асосий қисми эканлигини пайқаш қийин эмас. Унинг яқинида 16 қаватли меҳмонхона ёки бошқача қилиб айтганда 400 ўринли колхозчилар уйи қуриш лойиҳалаштирилган. Номининг ўзиданоқ кўриниб турибдики, бу баланд бино колхозчиларга аталган. Меҳмонхона билан гумбаз ўртасида сабзавот, мевалар, картошка, полиз маҳсулотлари билан мавсумий савдо қилишга мўлжалланган 1800 ўринли усти ёпиқ павильонлар жойлашади. Ҳаммаси бўлиб 3200! Чамаси бу рақам осмондан олинмаган. Бу тадқиқотлар ва кузатишлар натижаси. Бинобарин эски ва янги бозор ўртасидаги саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари жойлашадиган — Беруний кўчасидан Сағбон кўчасигача бўлган 500 метр масофада павильонлар ўзига хос «соябон» вазифасини бажаради. Комплекс шунингдек ўз ичига умумий овқатланиш корхоналарини ҳам олади. Чойхона, почта, маиший хизмат кўрсатиш комбинати. 3 та 1500 автомашинага мўлжалланган тўхташ жойлари бўлади.

Институт ишини муҳокама этган шаҳарсозлик кенгаши ўз навбатида объектларни жойлаштириш бу ернинг чиройини очишини, қулайликлар яратишини ҳамда инженерлик ечимларининг тежамли бўлишини ҳам ҳисобга олди. Шу муносабат билан бозор, магазинлар ва бошқа биноларга йўл кўлами ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Иккита 210 ва 500 метрли йўл қуриш мўлжалланган. Бу йўллар ер остида бўлади. Биринчиси гумбаз тагидан ўтади. У қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб кириш ва туширишга мўлжалланган. Кейин бу йўл юкларини сақлаш камерасигача узайтирилди. Иккинчи ер ости йўл эса Сағбон кўчасидан бошланиб бутун комплекси кесиб ўтади ва Беруний кўчасига чиқади. Ундан магазинлар, почта, меҳмонхона ва бошқалар фойдаланишади. Шуниси диққатга сазоворки, бу йўллар фақат юкларни ташиш учунгина мўлжалланган бўлмай балки айни вақтнинг ўзида уларнинг тагида барча инженерлик мосламалари жойлаштирилади.

«Тошкент оқшоми» ёпиқ бозор қурилишида



ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЁПИҚ БОЗОР КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИ ЎЗИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧИГА КИРДИ. 1990 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА УНИ ИШГА ТУШИРИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА.

БОШҚАРУВЧИНИ НИМА ЎЙЛАНТИРАЯПТИ?

ҚУРИЛИШ 1982 йилда бошланди. Тўғриғоғи, ўшанда ҳар томондан бинолар билан тўлиб-тошган майдонни ўзлаштириш бошланди. Бугунги кунда унинг қурилиши чўзиб юборилганлигини айблаш учун етарли асосларимиз йўқ ва бунинг ҳожати ҳам йўқ. Бозор комплекси республикадаги ва Тошкентдаги бошқа кўпгина қурилишлар сингари одат бўлиб қолган кўргиликни бошидан кечирди — капитал маблағлар ва молиялаштириш, моддий-техника таъминоти пухта ўйлаб режалаштирилмади. Бошқача қилиб айтганда унга бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик ярамас системаси касри урди.

1989 йилда ҳамда шу йилнинг январь-февраль ойларида манзара кескин ўзгарди. Шу нарса яққол кўриниб турибдики, қурувчилар ва монтажчилар, таъминотчилар ва республика ҳамда шаҳарнинг бошқа корхона ва ташкилотлари комплекс қурилишга жиддий ва ҳар томонлама киришдилар. Кўпчилик шунга қатъий қарор қилди: 15 тага яқин объектни ўз ичига олган биринчи комплекс шу йилнинг май ойида ишга туширилади. 30 га яқин қурилиш ташкилотларининг умумий ишларига «Главташкентстрой»нинг бош пудратчи «Висотстрой» трести «дирижёрлик» қилмоқда. Унинг бошқарувчиси А. Кочеров учун бу ишга туширилаётган объект бугунги кунда асосий иш жойи бўлиб қолган. Ҳа, бунинг ҳеч бир лоф жойи йўқ. Масалан, мен бу тажрибали қурувчини ишчилар орасидан топдим. У уларга қандай қилиб гумбаз остидаги катта савдо залининг дастлабки пештахталарини лойиҳадаги сингари аниқ қилиб жойлаштириш йўлларини кўрсатаётган экан. Ишчиларнинг кўпчилиги бу ерда полларни ётқизиш билан машғуллар. Иш охирлаб боряпти. Демак 6 минг квадрат метрдан зиёд майдон «қопланиб» бўлади.

Бир дақиқа сукутдан кейин Анатолий Павлович ишларнинг аҳволини қисқача таърифлаб берди. 28 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларидан ўтган йилларда 13 миллион сўми ўзлаштирилди. 1990 йилда 5.111 минг сўмлик қурилиш ишлари режалаштирилган. Шундан 2400 минг сўмини май ойигача ўзлаштириш зарур. Ана шундагина биринчи комплекс фойдаланишга топширилади. Бу йилги режаланган иш ҳажмининг бир миллион сўми келгуси ишларга мустаҳкам асос яратиш учун сарфланади. Демакки, май ойидан сўнг ҳам баъзи объектлар фойдаланишга топширилади.

— Шу кунларда қурилиш майдонида 600 га яқин ишчи ва инженер-техник ходимлар иш олиб боришяпти. Улар «Главташкентстрой»нинг 4 та умумий қурилиш ва 2 та пардозлаш трестларининг ходимларидир, — деди А. Кочеров республика қурилиш министрлиги «Ташпромстрой» трестининг бир неча бригадалари жалб этилган. «Узагрострой»ҳам четда қолмади. Унга халқ ҳунармандчилиги усталари «шаҳарчаси»ни қуриш топширилган. Бу ерда ҳунармандлар миллий анжомларни тайёрлаб сотадилар, турли хил хизмат кўрсатадилар. Энди «Госкомводстрой» ишга қачон бош қўшаркин деб кутиб ўтирибмиз.

Асрлар бўйи анъана бўлиб келаётган ҳашар йўлида озмунча яхши сўзлар айтилганми? Ҳамма бир жону бир тан бўлиб иш қилганга не етсин, айниқса эски шаҳар, Октябрь районида ҳашарлар кўп уюштирилган. Бу ерда ҳам шундай: биринчи комплекс ишларини ниҳоясига етказиш муддати аниқ бўлиб қолди. Мақсадга эришиш учун ҳам битта нарса — аҳил, пухта иш олиб бориши қолди, холос. Бу ишга Ворошиловградниинг «Глобус» кооперативи ҳам қўшилди.

ГУМБАЗ ТЕПАСИДАГИ УСТАЛАР

КАТТА ва мураккаб бу қурилишда ҳамма нарса силлиқ бормаётганлигини юқорида айтиб ўтдик. Масалан, гумбаз устини ёпиш узоқ вақтгача муаммо бўлиб келди. Нима билан ёпиш муаммоси эмас, балки бошқа нарса. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси етарлича миқдорда тайёрлаб берадиган ўзига хос зангори материал ҳақида гап боряпти. Шуниси ачинарлики, республикада бирон-бир мард ташкилот топилмадики, бу одатдан ташқари ишни амалга оширишни бўйнига олса. Яъни 30 метрли баландликда 6,5 минг квадрат майдонни ана шундай плиталар билан қоплаш лозим. Аммо муаммо бу билангина чекланмайди. Махсус ҳавозаларни қуриш жуда узоқ, кўп ташвиш келтирадиган ва серҳарж иш эди.

Бахтни қарангки, узоқ Ворошиловграддаги «Глобус» ўзидан дарак берди. Унинг таркибида фақат уста қопловчиларгина эмас, балки ҳеч қандай ҳавозаларсиз баландликда ишлай оладиган ва ишлаганда ҳам аъло сифатни таъминлайдиган... альпинистлар бор экан! Уларга шу йилнинг охиригача бу ишнинг уддасидан чиқиш айтилган эди, рози бўлишди.

— Очиғи, шартнома тузмдигу ишга киришиб кетдик, — дейди кооператив раиси В. Парагич. — Ҳозиргача анчагина ишларни қилиб қўйдик. Бу ишлар муваффақиятли бўлди. Буюртмачи — шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо корхоналари қурилиши бўйича бирлашган дирекция ва бош пудратчи мамнун бўлишди.

Ўн кишилик бригада билан бирга Тошкентга рассом-ҳайкалтарош, шу кооператив аъзоси А. Дудник ҳам келди. Унинг фикрича, миллий безаклардан бажариладиган ишлар худди бадиий асарга ўхшаб кетар экан.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

БУГУНГИ кунда ишга тушириладиган комплекснинг кўп объектларида қурувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Пардозлаш, тегишли жиҳозларни ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Шу жумладан, новвойхонада ҳам иш қизғин. У кенг, ёруғ бўлиб, ҳавони мўътадиллаштирадиган қудратли мосламага эга. Унинг бошлиғи Б. Муҳиддинов ўз ишининг устасидир. У пардозловчилар, мармарчилар ва монтажчиларнинг «сирларини» ҳам билиб олибди. Билмасдан бўладими? Акс ҳолда ҳар куни 15 тонна маҳсулот берадиган новвойхонани фойдаланишга топшириш қийин бўлади-ку. Шунинг учун ҳам у тўғри монтаж қилишаяпти-ми-йўқми, ҳаммасини зийраклик билан кузатиб бормоқда. А. Аутханов етакчилик қилаётган пардозловчилар бригадасининг иши устидан ҳам назорат қилмоқда. Уларнинг ишларига, очиғи, тасанно айтмоқда. Бошқаларнинг ишларидан ҳам мамнун.

Ишга тушириладиган комплекснинг деярли ҳамма объектлари пардозлаш жараёнида.

Ишга тушириладиган иккинчи комплекс қиёфаси 1991 йилда қад кўтаради. Аммо афсуски, шу чоққача меҳмонхона қурилиши тўғрисидаги масала ҳал этилганича йўқ. Унинг ҳандағини қазишдию, қурувчилар кетишга мажбур бўлишди. Сабаби, ишларни давом эттириш учун маблағ йўқ эди. Бу йил учун ҳатто бироита ҳам тайёргарлик ишлари мўлжалланмаган. Бу комплекслараро меҳмонхонани чиқариб ташлаш ҳақидаку гап бўлиши мумкин эмас. Колхозчилар уйининг қурилишини қачон бошлаб, уни қачон ниҳоясига етказиш борасида аниқ бир фикрнинг ҳозиргача йўқлиги ҳам умид туғдираётган яхши ишга соя солиб турган ягона салбий ҳолатдир. Лойиҳачилар ва қурувчилар буюртмачидан ва режалаштирувчи ташкилотлардан бунга жавоб кутадилар.

И. АХМЕТОВ,
жамоатчи мухбиримиз.



⊙ ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлардаги сиёсий, савдо-саноат ва академик доираларнинг таниқли вакилларини бирлаштирган Америка-Совет муносабатлари комитети СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга даъват қилди. Бу нуфузли жамоат ташкилоти тарқатган баёнотда АҚШ конгрессидан икки томонлама савдо-сотиқнинг ривожланиш йўлини тўсаётган камситувчи Жексон-Вэник тузатишини дарҳол бекор қилиш талаб этилган. «Ҳозир Совет Иттифоқида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олганда, — дейилади ҳужжатда, — Жексон-Вэник тузатишини қабул қилиб, кўпгина бошқа мамлакатлар эга бўлган савдо-сотиқда мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиб бериш мақомидан СССРни маҳрум этиш натижасида вужудга келтирилган чеклашларни сақлаб қолиш учун ҳеч қандай асос йўқ».

⊙ ВАРШАВА. Бугундан бошлаб Польшада дори-дармонларнинг чакана нархи 100—900 фоиз ошади. Молия министрлигининг хабар қилишича, асосан четдан келтирилган хом ашёдан бу ерда тайёрланувчи дори-дармонларгина қимматлашади.

⊙ ПРАГА. ЧССР ташқи ишлар министри Иржи Динстбирнинг таклифига биноан ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари Будимир Лончар сешанба куни Прагага келди. Улар ўртасида шу куниёқ музокаралар бошланиб, бунда Чехословакия билан Югославиянинг ўзаро ҳамкорлиги, хусусан иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилмоқда. Шарқий Европадаги демократиялаш жараёнларининг ривожи тўғрисида, ЧССР билан ЮСФРнинг Европадаги интеграция жараёнларида иштирок этиши истиқболлари ҳақида фикрлашиб олинди.

⊙ ПЕКИН. Партиядаги ва умуман жамиятдаги порахўрлик Хитой коммунистик партиясининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, ҳатто унга иноқирозга юз тутиш ҳавфини солаяпти. Агар партия бу муаммони ҳал этмаса, у халқ ишончидан маҳрум бўлади. Хитой компартияси марказий комитети снёсий бюросининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг секретари Ли Симин пойтахт шаҳар партия комитети интизомини текшириш комиссиясининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шуларни таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, айрим кадр ходимлар ўз атрофларида иззатталаблик ва лаганбардорлик вазиятини вужудга келтиришга катта эътибор беришмоқда, бу эса партиявий принципларга зид. «Снёсий порахўрликнинг бундай кўринишн иқтисодий порахўрликдан ҳам ёмонроқдир», — деди пойтахт партия ташкилотининг раҳбари.

⊙ БАЙРУТ. Исроилда иқтисодий аҳволнинг ёмонлашганлиги туфайли бу мамлакатнинг шимолий қисмида кучли норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Хазор-Хаглилитда юзлаб одамлар бу шаҳарчага олиб борадиган йўлни тўсиб қўйиб, шу билан «Куар индастриз» корпорациясига қарашли маҳаллий заводдаги оммавий тарзда ишдан бўшатишларга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Жиддий молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган бу корхона маъмурияти яқинда 150 нафар ишчини ишдан бўшатишга қарор қилди. Натижада Хазор-Хаглилитдаги кўпгина оилаларни кун кўриш учун пул топиш имконидан маҳрум этди. «Бизга нон керак, бизга иш керак, — деб бақиришди сешанба куни йўлни тўсиб қўйган намойишчилар. — Биз ўз болаларимизни боқишимиз керак».

⊙ САН-ФРАНЦИСКО. «Хуан Матта Баллестерос муддатидан илгари озод қилиниши ҳуқуқсиз умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди». Федерал судья болғачасининг шу сўзлардан кейин янграган зарбн гондурослик миллиардер иши юзасидан Лос Анжелесда ўтказилган суд жараёнига нуқта қўйди. Бу миллиардерни эксперт-криминалистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, халқаро қорадори жиноятчилигининг энг кучли 10 та раҳнамоси сафига киритиш мумкин. Тергов материалларига қараганда, Матта Колумбиядаги қорадори-фурушлар бирлашмалари билан яқин алоқада бўлган ва наркотик моддалар контрабандаси учун Гондурас ва Мексика орқали АҚШга янги маршрутлар очган. Айни шу одам 80-йилларнинг бошларида Колумбия қорадори жиноятчилиги операцияларининг анчагина қисмини Лос-Анжелесга ўтказишда ташаббус кўрсатган эди. Камоққа олинишн арафасида Баллестерос Америка маъмурларининг маълумотларига қараганда, қудратли қорадорифурушлар салтанати «тахтида ўтирган».

(ТАСС).

Маданий меросимиздан

БЕНАЗИР ЗАБОНШУНОС

ҲАММАГА аёнки, ўзбек тили туркий халқлар тиллари орасида луғат жиҳатдан анча бой тилдир. Халқимизнинг ўз тарихи давомида яратган маданий ёдгорликлари, айниқса ёзма нутқи обидалари ҳозирги замон ўзбек адабий тили лексикасининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолаётгани халқ шевалари ҳужжатларида тўла намоён бўлиб келаётир. Лекин бир вақтлар тилимизда, айниқса эски ўзбек адабий тилида фаол қўлланган кўплаб луғат унсурлари эндиликда ҳозирги адабий тил луғатидан узоқлашиб кетди — ҳаёлимиздан кўтарилиб, бегоналашди. Аммо бу ноёб бойлигимиз ҳозирги халқ шеваларимиз истеъмолида баҳоли қудрат ишлатилиб келинмоқда. Қани энди, ўтмишда фаол қўлланиб, эндиликда истеъмолдан тушган, лекин халқ шеваларида ишлатилиб келинаётган сўз ва атамаларни ҳозирги миллий адабий тилимизга таклиф этсак!

Шу жиҳатдан қараганда, улуғ тилшунос, ҳозирги ўзбек миллий адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий бадиий ва лингвистик ижодиётида фаол қўлланилган тилимиздаги айрим сўзларнинг талқини, умумий руҳияти ҳақида баъзи фикрларни баён этиш ҳозирги замон ўзбек тилшунослигида текширилиши лозим бўлган муаммолардан саналади.

Улкан туркийшунос Алишер Навоий ўзининг бутун ижоди давомида яратган барча асарларида ихчам шаклларда олам-олам маъно инъом этувчи тил бирликларини топиб ўз ўқувчиларига тортиқ этган эди. Ҳар бир сўзни қўллашдан, ишлатишдан аввал, унинг англатган мантиқи билан ҳисоб-китоб қилар, сўнгра ундан ўз ўрнида фойдаланар эди.

У она тилимизнинг нуфузини кўтариш учун курашди. Шоир яшаган даврдан беш юз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳозирги даврга келиб эндигина она тилимиз (туркий тил) давлат тили ҳуқуқини олди. Ваҳоланки улуғ мутафаккир бу давлат аҳамиятига молик бўлган масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб, бундан беш юз йигирма йиллар олдин ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқи берилиши — ижод ва тарих сабоқларини туркий тилда битиш ҳуқуқини сўраб шоҳ Султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат этган ва ўз мақсадига эришган эди.

Дарҳақиқат, Навоий бу билан ўша давр маданий ҳаётида муҳрланиб қолган араб ва форс тилларида ижод қилиш, битиш анъаналарини ёриб ташлаб, ўзбек-туркий тилда фаолият кўрсатди. Бу нарса — фақат жасорат эди.

Навоий асарларида иш, ҳаракат, куй, оҳанг, мансаб, ҳизмат, вазифа, орзу, тилак маъноларида ишлатилувчи «амал» сўзи ҳозирги «куй», «оҳанг» маъносини йўқотган. Аммо ўша даврда «эсини пасайтирмоқ»ни ифодалаши ўзбек халқ шеваларида ўз маъносида сақланиб келмоқда: фолчига бориб амал қилдириб қўйганмиш (Водил, Қўқон шевалари).

Худди шунингдек, Навоий асарларида яхши, хўб, маъқул маъносида қўлланган «бех» сўзи (Ки адл ичра этканга бир саоте, Эрур беҳки, жинну башар тоати, «Садди Искандарий») ҳозирги адабий тилда деярли қўлланмайди. Ўзбек тилининг Водил, Қува, Марғилон, Поп каби шеваларида жуда фаол ишлатилади: сандан у беҳроқ (Водил). Унисини қўйинг, наригисини олинг, беҳроққа ўхшаяпти (Варзак шеваси), ундан ит беҳроқ (Марғилон) каби.

Шоир тилда бу каби синонимлар қанча кўп бўлса, унинг луғат таркиби шу қадар бой бўлишини ўз ижоди тимсолида исботлаб берган ўткир ва ягона забоншунос эди.

Навоий ўзбек тилининг луғат ва ифода жиҳатдан бойлигини кўрсатар экан, у кўп маъноли сўзларни фикр олишувдаги аҳамиятининг беқиёслигини лўнда кўрсатди: «юз» сўзининг чеҳра, ораз, бет, нусха, турҳат каби 20 дан ортиқ ва «банда» сўзининг кишан, арқон, матрап, тутқич, тўсиқ, соч, зулф (Мусалсал сунбулининг банд — банди, Қарору ҳуш сайдининг каманди. «Фарҳод ва Ширин») каби ўн бешта маъносидан фойдаланиб шеърлар битди.

Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» деб номланувчи асарида туш, ён, бор, соғин, туз, кўк, ол, от каби кўплаб сўзларнинг нозик маъно хусусиятларини алоҳида-алоҳида, моҳирлик билан кўрсатиб ва булар номдошлик—омонимлик руҳиятига эга эканлигини исботлаб берган эди.

Номдош — омоним сўзлар сирасига кирувчи ушбу «ол» ва «кечибдур» иштирокида Навоий яратган қуйидаги туюққа диққат қилинг:

Олмани сунди нигорим, ол деди,
Олма бирла бу кўнгилни ол деди;
Сўрдим эрса олмасининг рангини,
Не сўрарсен, олма ранги ол, деди.

Бунда шоир биринчи мисрадаги «ол»нинг буйруқ шакли, иккинчисининг кўнгил олмоқ, ёқтирмоқ ва учинчисининг (қизил ранг) маъноларини беради.

Эшитдим, зулфини биздин кечибдур,
Дедимки, кеча кундуздин кечибдур;
Агар юз ёшлуя раҳминг келурса,
Менинг ёшим ики юздин кечибдур.

Навоий ушбу туюқнинг биринчи мисрасида «кечибдур» сўзини юзни яширмоқ маъносида қўлласа, иккинчисида кечибди ва охиргисида ошиб кетган (ошиб кетибди) маъноларида ишлатиб, бир сўзга уч маъно юкини ортади. Бу ҳодиса ўзбек тилининг гўзал ва нафис қиёфасини кўрсатмайдими?!.

Айтиш жоиз бўлса, шу маънода ҳозирги ўзбек шеъриятида аниқ бўй кўрсатган (Чустий, Чархий, Ҳабибий, Эргаш шоир каби) таниқли ва юксак дидли шоирлар — ўзбек шеърияти арузининг бобокалонлари изидан бориб, бу анъанани сабот билан давом эттираётган Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг фикрлаш қобилиятлари, ўткир тафаккур сарчашмалари маҳсули ўлароқ шеъриятидаги туюқ — номдош сўзлар маънолари изоҳига қойил қолмоқ одобдандир.

Шу маънода, туюқ — номдош сўзлар қанчалик тарихий анъана кашф этиб келаётган экан, бу фикрлаш — тил маҳсули бўлган алоқа қуроли ҳамон ривож топмоқда. Лекин ривож топиш қайси маънода давом этмоқда? Бу истеҳзоли саволга жавоб бериш анча мушкул бўлса-да, ошкоралик бир сўзлиги талаби билан холисанилло айтиб юбориш жоиздир. Чунончи, агар халқ шевалари — тил базаси, фонди бўлмаганида, биринчидан, миллат, қолаверса, иккинчидан, миллий адабий тилимизнинг илдизига умрбод болта урган, уни ўлимга маҳкум этган бўлур эдик. Яхши ҳам кўп сонли шеваларимиз бор экан!


Бас, шундай экан, ҳозирги ўзбек тилига давлат ҳуқуқи берилганлигий ҳурматини сақлаш ўз қўлимизда: уни чет сўзлардан сақлаш, унинг луғатига янги-янги тушунча, уларни ифода этувчи асл туркий сўзларни олиб кириш асосий вазифамиз; калькалаш — андозалаш санъатидан ўринли фойдаланиш бурчимиздир. Бобомиз Навоий ўша XV асрнинг оғир шароитида ҳозирги тафаккуримиздан ўн чандон ортиқроқ фикр қилиб, келажагимиз, турмуш тарзимиз ҳақида орзу, яъники, умид қилиб фикр айтган экан, энди ўша фикрларга кеч бўлса-да, ҳамоҳанг бўлиб иш тутишимиз керак. Зеро, халқ шевалари миллатимиз, одатимиз, анъанамиз — яшаш тарзимизда ягона фикрлаш ва алоқа қилиш қуролимиздир.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институти ўзбек тилини ўрганиш курси мудири, тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент.

«Саломатлик» клуби

ОНА СОҒЛОМ БЎЛСА...





● ШИФОХОНА ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР.

БОЛАНИНГ яхши камол топиши, ривожланиши ва унинг соғлиқ ҳолати кўп жиҳатдан онада ҳомиладорликнинг кечишига боғлиқ бўлади. Ҳар бир она шифокорга қанчалик барвақт учраса ҳомиладорлик муддати шунчалик аниқ қўйилади, туғруққа қадар отпускага чиқиши тўғри белгиланади ва ҳомиладорликнинг кечишида бирор ўзгариш рўй берса дарҳол зарур чора-тадбирлар кўрилади.

Ҳомиладорликнинг ўз муддатида кечиши, боланинг соғлом ҳолатда дунёга келиши, ривожланиши, ҳамда онанинг ўзи ҳам бу вақт давомида ҳамиша соғлом ҳолатда бўлиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, мақсадга мувофиқ бўлмаган ва бевақт ҳомиладорлик туфайли туғилган боланинг соғлом ўсиши қийин бўлади. Шу билан бирликда кетма-кет қисқа муддат ичида ҳомиладорликни кечириш она аъзои-таниниинг биологик имкониятларини кескин камайтиради ва унинг саломатлигига ёмон таъсир қилади.

Кўп йиллик кузатишлар асосида шуни айтиш мумкинки, она ва боланинг саломатлиги учун энг қулай муддат ҳомиладорликлар оралиғида ўтадиган 3—4 йилдир. Кейинги вақтларда хотин-қизлар орасида, уларнинг кўпроқ ўқиш, жамоат ишларида фаол қатнашиши, ишлаб чиқаришда кўпроқ банд бўлиши туфайли 30 ва ундан катта ёшларда биринчи фарзанд кўриш ҳоллари кузатилмоқда. Айниқса бу ҳол шаҳарда яшовчилар орасида кўпроқ учрамоқда. Бундай хотин-қизларимиз жумҳуриятимизда 12—17 фоизни ташкил қилади. Аксинча қишлоқ шароитимизда 30—40 фоиз хотин-қизларимиз 18—20 ёшга тўлмасдан биринчи фарзанд эгаси бўлишмоқда. Бундай ҳолларни ҳам фойдали деб бўлмайди. Чунки ёши анча улғайган аёлларда ҳомиладорлик ҳар хил асоратлар билан кечади, нисбатан ёш аёлларда эса ҳомиланинг ривожланиши учун унинг аъзои-танида барча шарт-шароитлар тўла шаклланиб улгурмаган бўлади. Натижада бундай оналардан туғилган биринчи фарзандда айрим нуқсонлар учраб туриши табиий.

Илмий кузатишлар шуни кўрсатдики, 30 ёшдан катта аёллардан туғилган болалар 3 марта, 18—20 ёшга етмаган аёллардан туғилган болалар 2—3 марта кўпроқ касалланишади. Биринчи фарзанд кўриш учун энг қулай вақт 20—25 ёш оралиғидир.

Демак, серфарзандлик — ўзўзидан зарарли факт эмас. Кейинги йилларда ўтказилган асосий текширишлар шуни кўрсатадики, жумҳуриятимизда, айниқса қишлоқ жойларимизда туғилиш сони бундан кейин ҳам ўсиб бораверади.

Бахтиёр ҚОДИРОВ,
Узбекистон педиатрия илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, болалар шифокорлари илмий жамиятининг раиси, тиббиёт фанлари номзоди.

Тиббиёт муассасаларида

Дардга дармон кишилар

6-шаҳар клиник касалхонасида кейинги пайтда микрожарроҳлик, реанимация, асаб ва ўпка хасталиклари каби 6 та янги бўлим очилди. Ҳар бири электроэнцифалограф, кардиомонитор, ГФРнинг «Оптон» фирмасида яратилган микроскоп, Венгриядан келтирилган «ЕДР—750» рентген-диагностик аппаратига ўхшаш замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Тиббиёт ходимларининг 95 фонзи пойтахтда, шунингдек Москва, Ленинград, Қозон шаҳарларидаги марказий тиббиёт муассасаларида малака оширдилар. Шифохонадаги даволаш ва касалликлар олдини олиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

ЯНГИДАН ЖОН БАҒИШЛАБ

КАСАЛХОНА қошида республика микрожарроҳлик марказининг ташкил этилиши асосий ютуқлардан бири деса бўлади. Бу ерда умумий жарроҳлик бўлимларида бажариб бўлмайдиган ноёб операциялар қилинмоқда.

Операция хонасида танадаги кўз илғамас аъзоларни 20—25 баравар катта қилиб кўрсатувчи микроскоплар бор. Улар ёрдамида жарроҳлар узилган майда қон томирларини махсус иплар билан тикиб, қайта улайдилар. Операция, албатта, шифокорлардан малака ва катта маҳорат талаб қилади.

— Биз танадан узилган аъзоларни, масалан қўл, оёқ, бармоқларни тикиб, яна асл ҳолига келтираяпмиз, — деди бўлим мудири О. Каримов. — Бундан ташқари, узоқ вақт битмаётган яралар ҳам жарроҳлик усули билан даволанмоқда. Бунинг учун этдан асаб ва қон томирлари сақланган ҳолда озгина қирқиб олиниб, лат еган жойга «ямалади».

Биз ўнг қўли кафтидан юқориси «уланган» бемор билан суҳбатлашдик.

— Тўйтепадан келганман, — деди ўзини Акмал Назаров деб таништирар экан. — Энгельс номли колхозда трактрочи бўлиб ишлардим. Кўрак чувийдиган машина қўлимни кесиб юборди. Касалхонага ўз вақтида мурожаат қилган эдим, даволашди.

— Бармоқларингиз ҳаракат қилаяптими?

— Ҳозирча асли ҳолига қайтмаган бўлса ҳам, қошиқ ушлаб овқат ея оламан, сочимни тарайман... Бир қўлим ишга яроқсиз бўлиб қоладими, деган хавотирда эдим. Хайрият, сақлаб қолишди.

Микрожарроҳлик марказида узилган тана аъзоларига «жон» киритаётган етакчи шифокорлардан Дмитрий Югай, Маъмур Юнусов, Виктор Самариевларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир.

ШАРҚОНА ШИФО УСУЛИ

ШАҲАР рефлексотерапияси марказининг мудири Пётр Павлович Солдатов яқинда ўрнатилган компьютерни кўздан кечираётган экан.

— Мана буни жиҳоз деса бўлади, — деди у қатор жойлашган тугмачаларни бирма-бир босиб, экрандаги ёзувларга разм солар экан. —Батамом ишга туширилсак, узоқ вақт беморни кузатиш имкониятига эга бўламиз. Буйрак, жигар ва бошқа аъзолар фаолияти 12 йўналиш бўйича текширилиб, натижаси аниқланиши мумкин.

Мутахассислар фикрича «ИБМ—АТ» маркали бу жиҳоз ҳақиқатан ҳам тибиёт ходимларига катта қулайликлар яратяпти. Уни бутун бир илмий лаборатория билан тенглаштирса арзийди. Шундай экан, марказнинг истиқболи порлоқ.

Ҳозир бу ерда беморларни шарқона усулда даволашга алоҳида эътибор берилаяпти. Маълумки, дори-дармонлар бир аъзога фойдаси тегса, бошқасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шуни эътиборга олиб, аъзоларга зарар етказмайдиган усулни қўллаш йўлга қўйилди. Бунинг учун терапиянинг 19 туридан, масалан игналар, ҳар хил ахборотлар, электр токи, гиёҳлар ёрдамида даволаш кенг қўлланилаяпти.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, беморнинг қон босими, юрак фаолияти, умуман аъзоларининг барча ҳолатлари ҳам назорат қилиб борилади. Ҳозир ҳатто 10—15 йилдан бери хаста бўлган кишилар шифо топиб, оиласига мамнун бўлиб қайтишаяпти.

ГУЛ ҲИДИ ЁҚМАСА

— АЛЛЕРГИЯ бўлган одамга агар тўғри келмаса, гул ҳиди ёқмайди, — дейишади шифохонанинг касаллик бўлимида.

— Мен Афғонистонда ўз байналмилал бурчимни ўтаб қайтдим, — деди Жонизо Қўчқоров. — Аллергик ўпка астмаси билан хасталаниб, 5-шаҳар клиник шифохонасида бир ой ётдим. Чиққан куним яна нафасим қисилиб, қайта даволанишга мажбур бўлдим. Ҳозир қоғоз ва чанг аллергинларидан эмлашаяпти. Аҳволим яхши. 3—4 кундан кейин жавоб беришади.

— Шифохонага кўзларимда ёш билан келгандим, — деди Мавлуда Рашидова. — Кўнглимни кўтариб, дарҳол палатага жойлашди. 18 кун ичида соғлигим яна тикланди. Дори-дармонлар етарли. Даволовчи врач Мунира Нуруллаевна ёш бўлишига қарамай қалбингизга йўл топади. Ҳамшираларнинг ҳам ширинсўз. Беморнинг шифо топиши учун бор куч-ғайратини аямаётган шифохона аҳлига раҳмат!

Аллергология бўлимида бўлган киши дил сўзларини кўплаб эшитади. Бўлимга 4 йилдан бери раҳбарлик қилаётган Мунис Мухсимов тибиёт ходимларини масъулиятни ҳис этишга, ўз бурчларини унутмасликка, доимо бир мақсад сари интилишга ўргатди. Оқибатда улар ўртасида ҳавас қилса арзигудек ҳамжиҳатлик юзага келди. Айни пайтда 45 беморнинг ҳар бири шифокорларнинг диққат марказида. Пойтахтдаги меҳнат коллективлари, маҳаллаларда аллергия хасталиклари ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги суҳбатлар яхши самара бермоқда.

— Тиббий муассасалар эҳтиёжларига эътибор кучайганлигини мамнуният билан қайд қилиш мумкин, — деди касалхона бош врачи, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси П. Жонибеков биз билан суҳбатда.— Ўзингиз кўрдингиз, бир йўла 500 бемор даволанаётган шифо масканимизда шароитлар яхшиланиб боряпти. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Шуни айтиш керакки, қайси жойда астойдил ҳаракат қилинса уларни бартараф қилиш мумкин. Менимча, бугунги куннинг асосий талаби ҳам ана шундай.

С. ШОДИЕВ.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

РОҲАТНИНГ МЕЪЁРИ

✦ Абу Али ибн Сино ўзи даволаётган беморларга шундай дер экан: Биз уч тарафмиз — мен (табиб), сен (касал), у (касаллик). Агар сен мен тарафда бўлсанг, у енгилади. Агар у тарафга ўтиб олсанг — иккингизни енгишим қийин.

✦ Роҳат (жисмоний ҳаракатсизлик)нинг ортиқча бўлиши сени мағрур қилмасин, чунки унинг ортиқча бўлишида фойда йўқдир. Унинг ортиқча бўлиб кетиши баъзан баданни ёмон хилт билан тўлдиради ва жисмни ғизо қабул қилишга тайёр- ламайди.

✦ Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган.

✦ Бадан доим ҳаракатда бўлар экан, давога эҳтиёж ҳам қолмайди.

✦ Гўшт танани мустаҳкамлайдиган таом бўлиб, у бошқа овқатларга нисбатан қонни тезроқ кўпайтиради.

✦ Агар таом чексиз лазиз бўлса ҳам, Кўп емагил, келтиради дарду ғам.

ГИЁҲШАРБАТЛАР

МОСКВА давлат алоқа институтининг кафедра мудири, профессор Борис Петрович Хромой аслида Ватанимизнинг пойтахтида яшайди. Яқинда у Тошкентда бўлиб, ўз сиҳат-саломатлигини яхшилаб, яна қадрдон шаҳрига қайтди. Қайтиб кетишдан олдин шаҳримиздаги 8-дорихона қошида ташкил этилган шифобахш гиёҳлар масканида бўлиб, миннатдорчилик дафтарига дил сўзларини ёзиб қолдирди: «Гиёҳшарбатнинг ташкил этилиши, бу, жуда олижаноб ишнинг муқаддимаси, соғ-саломатлик йўлида қилинаётган хайрли ишга дастлабки қўйилган қадам деб тушунаман. Бундай янгиликни мен серқуёш Узбекистондагина биринчи бор кўриб турибман. Бунақаси бошқа жойда, на ўзимизда, на хорижий мамлакатларда ҳалигача бўлган эмас. Ҳозирча ягона бўлган «меҳрибон гиёҳлар» маскани минг-минглаб беморларга шифо бағишлаганига ишонаман. Чунки узоқ йиллар даво тополмай, қийналиб юрган дардимга шу ерда даво топдим. Бу табаррук ишни тезда оммалаштириш, бошқа жойларда ҳам ташкил этиш керак. Бунда тамагирлик, бемор кишиларни қаллоблик қилиб пулини шилишга уринишга йўқ. Бор-йўғи кишига ҳузур бағишлайдиган ҳушҳид гиёҳшарбатни масза қилиб ҳўплаб-ҳўплаб ичасан, ичганинг сайин тананг яйраб, роҳатланасан киши. Бу шарбатнинг неча-неча оғир беморларга шифо бўлганига шоҳидман. Менга саломатлик бахш этган доривор гиёҳлари, ҳушмуомала ва ҳушфеъл шифокорлар кўрсатган хизматлари учун ўзбеклар диёрига чексиз миннатдорчилик билдириб, раҳматлар айтаман».

Дафтардан бунга ўхшаш юрак сўзлари битилган ёзувларни кўплаб ўқиш мумкин. Қашқадарёлик Б. Суяров, сурхондарёлик К. Олтибоев, бухоролик Б. Мавлонов, тошкентлик А. Абдураҳмонов, С. Суннатиллаев, В. Холиқов, Р. Хожимаматов, Р. Муҳсимов ва бошқалар ҳам шу ерда ўз дардларига даво топганларини ёзма равишда изҳор қилишган. Ҳозир шифо масканида қанд касаллиги, қон босими, юрак ва бод каби 50 турдаги хасталиклар бўйича шифолаш яҳши натижалар бермоқда. Гиёҳлардан тайёрланган қайнатмадан ичиб, вазни енгил тортганидан хурсанд бўлаётган кишиларнинг сонсаноғи йўқ. Гиёҳшарбат дорихонасининг мудири, олий категорияли доришунос, фармацевтика фанлари номзоди Эркин Жўраев билан суҳбатлашганимизда у бизга шундай деди:

— Дорихона қошида очилган шифобахш гиёҳлар маскани беморларнинг синтетик кимёвий дорилар қабул қилишларини қисман тўхтатади. Эндиликда кундан-кунга авж олаётган аллергик касалликларнинг олди олинади. Фақат шугина эмас, балки дори камчиллиги муаммоси тартибга тушади. Шуни тан олиш керакки, малҳам* дорилари ишлаб чиқариш масаласида ҳозир гўё бошқа республикаларга боқимандадаймиз. Аслида эса ундай эмас. «Меҳрибон гиёҳлар»дан керагича парваришлаб, бутун дунёга олтин баравар нархда сотишга қодирмиз. Бу билан, ҳатто йўқолиб бораётган доривор кўкатларни асраб қолинади. Бундан ташқари, ўзимизда турли дориларни ишлаб чиқариш имкониятлари вужудга келади, дори танқислигига барҳам берилади.

Қани энди Эркин аканинг айтганлари оғишмай рўёбга чиқса. Бундай гиёҳшарбат масканлари кўпайиб, инсон саломатлиги йўлида хизмат қилса, минглаб беморлар хасталиклардан қутилган бўлишарди.

8-дорихона ходимлари бу борада фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Хизматчилар учун барча шарт-шароитлар, душ дейсизми, жисмоний машқ қилиш ёки ҳордиқ чиқариш хонасими, ҳаммаси муҳайё этилган. Фақат ҳар бир ходим аҳолига виждонан хизмат кўрсатса бўлгани. Х. Мирсоатова, М. Каримова, Ф. Отамуҳамедова ва А. Абдуллаевлар эл саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишаяпти. Фидойилик учун дорихона коллективи қаторасига икки марта — 1987 ва 1988 йилларда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳамда тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари Марказий Комитетининг I даражали дипломи ва минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Советлар мамлакатида

● **ВОСТОК— 2 (Приморье ўлкаси). Приморье кон-бойитиш комбинатида шахта сувларини зарарсизлантириш учун оксидланиш жараёнларини тезлаштириб, оғир металлар ионларини тутиб қолувчи бактерияларни қўлланилди. Олмаотадаги «Казмеханобр» илмий текшириш институти олимларининг ёрдами билан жорий этилган бундай усул вольфрам ишлаб чиқариш технологиясининг хусусиятларига анъанавий усулга нисбатан кўпроқ мос келади. Мутахассисларнинг фикрича, энди тайгадаги Дальная ва Большая Уссурка дарёларида яшовчи майда жондорлар ва ўсимликлар тиклана бошлайди.**

● **ХАРЬКОВ. Косиор номли станоксозлик заводида кўплаб ишлаб чиқарила бошланган янги турқум дастгоҳлар самолётлар, автомобиллар, тракторлар ва комбайнлар двигателларининг кўп босқичли валларига кўзгудек ярқиратиб сайқал беради. Микропроцессорлар билан жиҳозланган янги дастгоҳ ўзи ҳисоблайди ва ишдар турли тармоқлар корхоналари учун икки юзта ана шундай дастгоҳ ишлаб чиқарилади.**

● **ТБИЛИСИ. Сухуми ижодкор ходимлари ёшлар бирлашмасининг экология секцияси амалга оширган яна бир иш муваффақият билан тугалланди. Унинг куч-ғайрати билан субтропик зонанинг қўриқхона ўрмонлари ва унумдор ерлари устидан ўтиши керак бўлган юқори кучланишли электр линияси қурилишининг вақтинчалик бўлса-да тўхтатиб қўйишга эришилди. Шу тариқа, ҳар бир қарич ер олтинга тенг бўлган Абхазияда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун уч минг гектардан кўпроқ ер сақлаб қолинди, дарахтларнинг қимматбаҳо турларининг кесилиб кетиш хавфи бартараф этилди.**



Москва шаҳар ижроия комитетининг «Радон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида радиация-экология хизмати ташкил этилди. Ана шу шаҳар хизматининг вазифаси атроф-муҳит — тупроқ, сув, ҳаво ва наботат оламининг аҳволини кузатишдан иборат.

Радиацион муҳит устидан самарали назоратни олиб бориш ва аҳолининг радиацион хавфсизлигини таъминлаш учун радиоэкологик мониторинг программаси амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: кўчма радиоэкологик лаборатория Москванинг марказида. Назорат учун тупроқ, ҳаво, қор намуналарини олиш керак. Бу ерда ҳам гамма-муҳит даражаси соатига 10—20 микрорентгендан ошмади — демак ташвишланишга ўрин йўқ.

Р. Денисов (ТАСС) сурати.

Турфа олам

● ҲИНД олимлари ва қурувчилари ўрта аср ҳинд меъморчилигининг машҳур ёдгорлиги — Андхра-Прадеш штатидаги Кудавелли Сангамешвара ибодатхонасини қутқариш юзасидан ноёб операцияни амалга оширдилар. Баландлиги йигирма метр келадиган бу бино шу яқин атрофдаги Кришна дарёсида тўғон қурилаётганлиги туфайли сув босмаслиги учун у 600 метр четга сурилди.

Бу ишлар ўн йилдан кўпроқ вақт давом этди. Ҳозирги минг йиллик бошларида харсанг тошлардан қурилган мазкур ибодатхона эҳтиёткорлик билан бузиб олинди. Шундан кейин ҳар бир тош ва ибодатхона деворларига безак хизматини ўтовчи жиҳозлар махсус тайёрланган ғўлалар устида юргазилиб, «янги жойга» олиб борилди. Бу ишларнинг барчаси қўлда бажарилди. Чунончи, «Таймс оф индиа» газетасининг хабар қилишича, ибодатхона тошларининг бирортаси ҳам арраланмаган, Ҳолбуки, одатда катта бинолар қўчирилаётганида йирик тошлар кесилиб, ихчамлаштириб олинади.

● ПЕРУ қишлоқ хўжалик ва саёҳатлар министрликлари ҳамда маданият миллий институти имзолаган битимга мувофиқ, XIV — XV асрларда яшаган ҳиндулар маданиятининг нодир ёдгорлиги — Мачу-Пикчу қалъа — шаҳрини сақлаб қолиш учун 96 минг доллар пул ажратилади, деб хабар қилди ЭФЭ агентлиги.



⊙«САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ».
Х. Мирзакаримов сурат лавҳаси.

Ҳамдўстлик орбиталари

«БОШ ҚАҲРАМОНИ АКТЁР БЎЛГАН ТЕАТР МЕНГА ЖУДА ЯҚИН...»

● **САНЪАТ соҳасида халқаро алоқаларнинг кенгайиши давримизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Республика театр арбоблари хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларни айниқса яхши йўлга қўя бошладилар. Биргаликда асарларни саҳналаштиришди, бир-бирларига гастролларга боришди, саҳна санъати усталарининг ўзга мамлакатларда иш ва тажриба ўрганиши одат тусига кира бошлади... Ўзбекистоннинг халқаро майдонга чиқишини театр оламида тезда илғаб олдилар — бу ерга ЮНЕСКО халқаро театр институтининг президенти Марта Куанье хоним ташриф буюрди. У республика театр арбоблари уюшмасининг меҳмони бўлди.**

— Бу ерга келишимдан мақсад сизнинг ўлкангиз билан танишишдир. Чунки бу ҳақда кўп эшитганман, — деди Марта Куанье хоним. — Республикангизда, менга маълум бўлишича, театр анъаналари жуда кучли. Мен шунчаки саёҳат қилаётганим йўқ. Ўрта Осиёдаги энг катта республика театри арбоблари билан алоқаларни йўлга қўйиш менинг вазифамга киради. Тўғри, менда қандайдир шартномаларни имзолаш режаси йўқ, буни кўпроқ танишув сафари деса бўлади. Ўзбекистон театрлари фаолияти жараёнига чуқурроқ киришни, режиссёрлар, актёрларнинг ижодхоналарида бўлишни хоҳлайман.

— Сизнинг сафарингиз Тошкентда республика театр фестивали ўтказилган кунларга тўғри келди. Театр санъатимизнинг аҳволи тўғрисида тасаввур ҳосил қила олдингизми?

— Афсуски, мен байрам тугаши арафасида етиб келдим. Шу сабабли унинг муҳитидан баҳраманд бўлиш насиб қилмади. Умуман, фестивалларнинг менинг жонимдилим. Мен бундай фестивалларнинг ўтказилишини қизғин қўллаб-қувватлайман. Чунки бундай тадбирлар театр жараёнининг ривожланишига кўмаклашади. Якланиб қолиш театрнинг душмани. Агар яхши асарларни ҳеч ким кўрмаса, бу қамоққа тушган билан баробардир. Фестивалларнинг мусобақалашиш, ким яхши-ю, ким ёмонлигини аниқлаш омили бўлибгина қолмай, айни вақтда тажрибаларни ўртоқлашиш ҳамдир.

Ўтган фестиваль ҳақида фақат ҳамкасбларимнинг айтганларига қараб фикр юритишим мумкин бўлса-да, дастлабки таассуротларим ҳам бор. Мен «Илҳом» театр студиясида бўлишга улгурдим. Марк Вайль саҳналаштирган «Кломадеус» спектаклини кўрдим. Унда совет муаммолари билан боғлиқ бўлган муайян мавзулар очилса-да, спектакль умуминсоний масалалар даражасига кўтарилади.

— Ўзингиз бошқараётган институтнинг вазифалари ҳақида гапириб беролмайсизми? Сиз қандай қилиб унинг президенти бўлдингиз?

— ЮНЕСКОнинг халқаро театр институти ЮНЕСКОнинг биринчи бош секретари таклифи билан 41 йил муқаддам ташкил этилганди. Унинг қароргоҳи Парижда. Бу мамлакатларни эмас, балки театрларнинг вакилларини ўз атрофига бирлаштирган ноҳукумат ташкилот ҳисобланади. Ҳозир институтнинг 76 давлатда ўз бўлимлари бор. ХТИ — жаҳон театр тажрибасининг ўзига хос маркази, гастроллар алмашиш ва саҳна усталари учрашувларини ташкил этиш тармоғидир. Институтимиз театрларнинг эркин жараёнини ривожлантиришга, маданиятларнинг ўзаро бойишига, янги театрлар пайдо бўлишига кўмаклашишни ўз вазифаси деб билади, турли театр фестивалларини, анжуманларини ўтказиш билан шуғулланади.

Менга келганда эса, мен драма санъатини Нью-Йорк штатидаги Вассер-Коллежда, у ерда даетлабки театр факультети очилган вақтда ўргана бошладим. Актриса бўлишни орзу қилардим, лекин вақтида ўзимга ёқадиган ишни тополмадим ва театр остоналарида юргунча, унинг марказида бўлиш яхшироқ, деган қарорга келдим. Ташкилий ишлар билан шуғулландим. Президентлик ўринларига ўтириш учун, гарчи бу менинг пировард мақсадим деб ўйламаган бўлсамда, 25 йил вақт кетди.

— Сиз умр бўйи театрлар билан қизиқиб келасиз, табиийки, ўз дидингиз ва эҳтиросларингиз бор. Ана шу нарса у ёки бу театрга баҳо беришда таъсир қилмайдими?

— Турли хил саҳна асарларига бирма-бир баҳо бериш вазифамга кирмайди. Асосий вазифам бутун дунёда театрлар тармоғини кенгайтиришдан иборатдир, чунки бу санъат одамларга маънавий ва ахлоқий жиҳатдан катта куч-қувват бағишлайди. Барча ҳамкасбларим сингари спектаклларга боришни яхши кўраман.

— Сизнинг республикамизда бўлиш режаларингиз жуда тиғиз... Бу режаларни ўзингиз туздингизми ёки у ёки бу театрга боришни сизга таклиф этишдими?

—Москвадалигимдаёқ Ўзбекистон театрлари ҳақида, бу ерда миллий санъатни қайта тиклашга уринишлар, миллий драматургиядан фойдаланиш, «Илҳом» театри тўғрисида кўп гапириб беришганди. Шундай қилиб десангиз, ҳамма ерда — Парижда, Москвада ва бу ерда, Тошкентда сафарим режаларига тузатишлар киритдик. Бундан ташқари, кўҳна Самарқанд, унинг меъморий обидалари билан танишиш истагини билдирдим. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасида суҳбат ўтказиш, Тошкент ва республикангизнинг бошқа шаҳарларидаги режиссёрлар билан учрашишни ҳам режалаштирганман. Кўпгина мавзуларни муҳокама қилишимиз керак. Барча учрашувлар самарали бўлади, деб умид қиламан.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА.
ЎзТАГ мухбири.

БОЗОРЛАРДАГИ НАРХ-НАВО

НИМА? ҚАЕРДА? НЕЧА СЎМ?

● **Эслатиб ўтамиз: шаҳримиздаги ҳамма йирик бозорлар эрта билан соат 8 дан кеч 19 гача ишлайди. Шанба ва якшанба кунлари ҳам савдо эрталаб бошланиб, кеч соат 18 гача давом этади.**

Тошкент шаҳар бозорларида сотиладиган асосий маҳсулотларнинг 1990 йил 10 февралдан 17 февралгача бўлган обзор нархлари ҳақидаги маълумот.

(1 килограмм маҳсулотнинг нархи сўм ва тийин ҳисобида).

Маҳсулотларнинг номи	Бозорлар номи бўйича ЎРТАЧА БАҲОСИ			
	ОКТЯБРЬ	ОЛОЙ	ҚОРАСУВ	ФАРҲОД
Сут маҳсулотлари				
Қаймоқ	5,00—6,00	4,00—5,00	5,00—6,00	5,00—6,00
Сузма	2,00—2,50	1,50—2,00	2,00—2,50	2,00—2,50
Сабзавот ва хўл мевалар				
Картошка	0,50—0,80	0,50—0,80	0,40—0,60	0,60—0,80
Сабзи	0,33—0,60	0,30—0,50	0,30—0,50	0,33—0,60
Пиёз	0,33—1,00	0,40—0,80	0,33—0,80	0,40—0,80
Карам	1,00—1,50	1,00—1,50	1,00—1,50	1,00—1,50
Турп	0,30—0,50	0,30—0,40	0,33—0,50	0,30—0,50
Шолғом	0,60—1,00	0,50—0,80	0,50—0,80	0,60—1,00
Олма	2,00—6,00	2,00—5,00	2,00—5,00	2,00—6,00
Анор	2,50—6,00	2,50—5,50	2,50—5,50	2,50—6,00
Нок	6,00—10,0	5,00—9,00	5,00—9,00	6,00—10,0
Узум	4,50—8,00	4,00—8,00	4,00—7,00	4,00—7,00
Қовун	1,50—2,00	1,00—1,50	1,30—1,50	1,80—2,00

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент» меҳмонхонаси яқинидаги подстанциянинг кабель линиялари ишдан чиққанлиги муносабати билан техникавий сабабларга кўра

25 февралгача

5, 8, 10, 11, 13, 19, 28-трамвайлар ҳаракати 30 фонзга

ҚИСҚАРАДИ

5, 13-трамвайлар ҳаракати Марказий универсал магазинигача ташкил этилади.

33-27-27 телефони бўйича маълумот олиш мумкин.

Шаҳар йўловчи транспортини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Домбробод кўчасидан Ш. Руставели кўчасигача бўлган участкада янги иссиқлик магистрали қурилиши муносабати билан 1990 йил 24 февраль эрталаб соат 5.00 дан бошлаб

ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ МАРШРУТЛИ ҲАРАКАТИ ЎЗГАРТИРИЛАДИ

19, 23-троллейбус маршрутларининг ҳаракати 20-кварталдан бошлаб Я. Купала, Фарҳод, Чилонзор, Волгоград, Ш. Руставели кўчалари бўйлаб Жанубий вокзалгача, у ёғига маршрут бўйича ташкил этилади.

19 ва 23-троллейбус маршрутлари қайтишда ўзгаришсиз илгариги ўз йўналиши бўйича қатнайди.

Фарҳод кўчаси бўйлаб қолган бошқа пассажир транспорти маршрутларининг ҳаракати ўзгаришсиз қолади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

Ўзбекистон Ленин комсомоли марказий комитетининг «ЕШЛАР УЙИ»

Ўзбекистон Маданият фонди

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети «Муштум» журнали билан ҳамкорликда

«ҚИЗИҚЧИ-89»

РЕСПУБЛИКА ЁШ ҚИЗИҚЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ КОНКУРСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР.

Конкурсда 35 ёшгача бўлган танилган ва танилмаган сўз усталари қатнашишлари мумкин. Ғолибларни махсус совринлар ва лауреатлик дипломлари кутмоқда.

Аризалар **20 апрелгача** Тошкент шаҳар, Пахтакор кўчаси, 5-уй, 205-хонада қабул қилинади.

Телефонлар: 41-45-20, 41-43-21.

«ЎСАРФИЛЬМ»
МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

«Тўй» номли тўлиқ ҳажмли бадиий фильм суратга олинаётгани муносабати билан киностудиямизга суҳбат ва фотосиновга келган, шунингдек бизга мактуб йўллаб, почта орқали сурат юборган маслакдош дўстларнинг барчасини 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27 ва 28 февраль кунлари соат 11.00 дан 21.00 гача бўладиган

САРАЛОВ КИНОСИНОВИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

«Ўсарфильм»дан алоқани узманг, алоҳида таклифни кутиб, ғафлатда қолманг! Фаол бўлинг! Узингизга ишонинг! Киносиновда сизга омад кулиб боқсин! Хуш келибсиз!

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр — «Ўсарфильм» муаллифи Сайд Ўсар Бек.

Бастакор — «Ўсарфильм» мусиқа раҳбари Даврон Ғоипов.

Постановкачи кинорассом — Қаҳрамон Нуриддинов. Постановкачи кинооператор — Ҳамидулла Ҳасанов.

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Тошкент, Инқилоб ҳиёбони, Ленинград кўчаси, 48-уй (техника уйи). Телефон 32-01-29.

ДИҚҚАТ!

22 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12 ДАН 19.00 ГАЧА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ОЛИМЛАР УЙИ

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишлаб «Советлар мамлакати Армияси» мавзуида

НИШОНЛАР КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўргазма билан коллекциялар йиғувчи-филерист А. В. Дробишев таништириб боради.

Адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 52-уй.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1990 ЙИЛ 23-24 ФЕВРАЛДА

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ

ЛОТЕРЕЯ ТИРАЖИДА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЙНАЛАДИ:

— «Волга—ГАЗ-24», «Жигули—ВАЗ-21063», «Жигули—ВАЗ-2108» автомобиллари;

— «Урал» ИМЗ-8103» мотоциклари;

— «Бирюса», «Снежинка» холодильниклари ва бошқа буюм ютуқлари ўйналади.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ДОСААФ ТОШКЕНТ БИРЛАШГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ

450 соатлик программа бўйича радио-телемастерлар тайёрловчи группаларга

НАВБАТДАГИ ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Программа бўйича таълим тугагач, битирувчилар 1, 2, 3 класс приёмниклари; турли маркалардаги оқ-қора тасвирли телевизорларнинг қурилиши ва уларнинг ремонти юзасидан чуқур билим ва амалий малака берувчи электр радиотехника асосларидан етарли билим олиб чиқадилар.

Ўқишга лаёқатли шахсий кишилар, жумладан қизиққан ташкилотларнинг барча вакиллари ёши ва жинси ҳамда қаерда яшаб туришларидан қатъий назар чекланмаган миқдорда қабул қилинадилар.

Машғулотлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳафтанинг ҳамма кунлари ўтказилади.

Ўқиш муддати — 4,5 ой.

Навбатдаги группа машғулотлари — 1990 йил 26 ФЕВРАЛДА бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Орол кўчаси. («М. Горький» метро станциясидан Орол кўчасининг охиригача борилади). Телефон 67-29-20.

1990 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ОЙИДА

Республика Лекторлар уйи қошида очиладиган руҳий ва жисмоний соғлиқ мактаби машғулотларида

Сиз ўз саломатлигингизни тиклашингиз, руҳий чарчоқларингизни ёзишингиз, кўнглингизни ёзишингиз мумкин.

Машғулотлар лекциялар тариқасида ўтказилиб, психотерапия сеанслари билан бошқариб борилади.

Машғулотларни тажрибали психотерапевт-врач, медицина фанлари номзоди олиб боради.

Абонемент баҳоси — 25 сўм.

Адрес: Тошкент, шаҳри, А. Қодирий проспекти, 13-уй.

Маълумотлар учун телефонлар — 44-60-39, 44-50-21.

КИНО МУХЛИСЛАРИГА!

19—25 февраль кунлари

«Искра» ва Лисунов номли кинотеатрларда

эркин кино бозорининг янги, энг қиммат

«ДЕЖА ВЮ»

фильмининг яратувчилари билан учрашув бўлади.

Сценарий муаллифлари Александр Бородянский, Юлиуш Махульский. Юлиуш Махульскийнинг ғояси асосида суратга олинган. Режиссёр — Юлиуш Махульский. У бизнинг кинотомошабинларимизги «Янги амазонкалар», «Ё остидан, ё ўстидан», «Ё остидан, ё устидан—11» фильмлари орқали яхши таниш.

Фильмда сиз совет ва жаҳон киносининг машҳур актёрлари Ежи Штура, Николай Караченцов, Всеволод Сафоновлар билан учрашасиз.

Фильм «Совинфильм» Бутуниттифоқ бирлашмаси, Польша Халқ Республикасининг «Зебра» кино бирлашмаси иштирокида Одесса киностудиясида суратга олинган.

...Америкалик гангстер ёш Совет давлати ҳудудида ўз ўлжасини таъқиб қилади. Гўзал Одесса ана шу қизиқарли кинокомедия қаҳрамонларининг ғаройиб саргузаштлари содир бўладиган жойга айланади.

Сеанслар «Искра» кинотеатрида соат 11.30, 13.45, 16.00, 18,15, 20.30 да. Лисунов номли кинотеатрда 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади. Билет баҳоси — 1 сўм 50 тийин.

Кинофильмлар прокати Тошкент шаҳар идораси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ишламаётган телефонларга буюртмаларни қуйидаги тартибда беришингизни сўраймиз: исталган шаҳар телефони ёки таксофонидан «08» рақамини теринг ва трубкада узлуксиз товушни эшитганингиздан сўнг — бузилган телефонингиз номерини ва носозлик белгиси кодини теринг.

01 — станция сигналлари эшитилмайди.
02 — телефон вақти-вақти билан узилиб қолади.
03 — сўзлашув вақтида телефон узилиб қолади.
04 — номерни тераётган пайтингизда бандлик сигнали эшитила бошлайди.
05 — телефон зарур абонент билан боғланмайди.
06 — қарши томон алоқага чиқмайди.
07 — ўзингиз алоқага чиқолмайсиз.
08 — телефон номерини терган пайтингизда узлуксиз сигнал эшитилиб туради.
09 — янги аппарат ўрнатишингизни сўрайман.
10 — номерни тўлиқ териб бўлганингиздан сўнг телефонда сўзлаша олмадингиз, станция сигналлари эшитилмайди.
11 — шаҳарлараро телефон алоқасига чиқиб бўлмайди.
12 — эшитиш ёмон, ўзга шовқинлар эшитилиб туради.
13 — алоқага чақириш назорат сигнали тўхтагандан сўнг алоқа ўрнатилмади.
14 — аппарат узлуксиз жиринглайди.
15 — жуфт телефонда сўзлашаётган абонентнинг сўзлашуви эшитилиб туради.
16 — ўзгаларнинг сўзлашувлари эшитилиб туради.
17 — радио эшиттириши эшитилиб туради.
18 — кечки ва тунги пайтда муассасалардан квартираларга уланадиган телефонларнинг аломатлари.

РОБОТ жавоби сизнинг буюртмангиз қабул қилингани ва ҳисобга олинганидан далолат беради.

Телефонингизнинг узоқ вақт ишламаслиги ёки қониқарсиз ишлаши ҳолатлари кузатилган вақтда зарур тушунтиришлар бериш ёки телефоннинг соз ишлашини тиклаш муддатлари ҳақида кафолат олиш мақсадида ўзингизга хизмат кўрсатаётган АТС линия инженерига ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 9 дан 11.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Телефонингизнинг узоқ вақт ишламаслиги ёки қониқарсиз ишлаётгани ҳақидаги барча саволларингиз юзасидан сизни тегишли телефон узелининг бош инженери ҳафтанинг ҳар душанба кунлари ва ойнинг иккинчи шанбасида соат 9.30 дан 13.00 гача қабул қилади.

Абонентларни телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмасининг бош инженери — ҳафтанинг жума кунлари соат 9.30 дан 12.00 гача ва ҳар қайси ойнинг 2-шанбаси соат 10 дан 13.00 гача қабул қилади.

Марказлаштирилган ремонт бюросидан справкалар олиш зарурати туғилган пайтда қуйидаги телефон орқали қўнғироқ қилинсин: 55-19-00.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«1-ҚОРАСУВ» МАССИВИ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА 63-АВТОБУС МАРШРУТИНИНГ ҲАРАКАТИ «ҚОРАСУВ» МАССИВИ ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Қўшқўрғон» маҳалла аҳолисининг кўп сонли илтимосларига кўра «Қўшқўрғон» маҳалласидан Ворошилов номли, ТКАД, Полевой, Питомний, Б. Хмельницкий, Полторацкий кўчалари, Космонавтлар проспекти, «Правда» газетаси» кўчаси бўйлаб метронинг «В. И. Ленин номли майдон» станцияси» автостанциясига қадар қатновчи янги 30-микроавтобус маршрути очилди. Мазкур маршрутда 5 та микроавтобус қатнайди.

Калинин номли, «Бирлик» массивлари аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш мақсадларида қуйидаги қулайликлар яратилди;

— Калинин номли массив аҳолисига хизмат кўрсатаётган 31-автобус маршрутида сиғими катта бўлган «Икарус-260» маркасидаги автобуслар қатнайди;

— 33-автобус маршрутининг ҳаракати: «Бирлик» массивига қадар узайтирилди ва бу маршрутнинг ҳаракати «Текстильщик» стадиони» автостанциясидан Ивановолар тўқувчилар, Ш. Руставели, Волгоград, Ғафур Ғулом, Фарҳод, Саккокий, Алмоний, Х. Абдуллаев кўчалари бўйлаб «Бирлик» автостанциясига қадар ташкил этилди.

Қайтиш йўналишида мазкур автобус маршрути «Бирлик» автостанциясидан 9-Шараф проезди, Кўркам, Шараф, Алмоний, Саккокий, Журжоний, Фарҳод кўчалари бўйлаб ва у ёғига маршрут бўйича ташкил этилди.

Автобуслар ҳаракатидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида **20 февралдан бошлаб** 3-автобус маршрутининг ҳаракат йўли «Темир йўл вокзали» автовокзалидан то метронинг «Ҳамза» станциясигача қисқартирилади. Автобуслар «Подмосковная» автостанциясидан бошлаб Подмосковний, Я. Купала, Қатортол, Волгоград, Чилонзор, Муқимий, Халқлар дўстлиги кўчалари бўйлаб «Ҳамза» метро станциясигача қатнайди.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 34-82-99, 34-82-89.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

МАЪРУЗАЧИЛАР УЙИДА

эски ўзбек тили, инглиз, француз ва немис тилларини ўрганиш бўйича қисқа муддатли курслар

ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефон: 44-61-54.

Адрес: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг

МАДАНИЯТ САРОЙИ МАЪМУРИЯТИ

эски ўзбек ёзув-алифбосини ўқиш ва ёзишга ўргатувчи, араб хати турлари билан таништирувчи

3 ОЙЛИК КУРСГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ушбу мавзуга бағишланган машғулотларни дорилфунун шарқ факультетининг етук мутахассис ўқитувчилари олиб борадилар.

Машғулотлар 1 мартдан бошланади. Аризалар ва ҳужжатлар ҳар куни соат 11 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ Маданият саройи, 26-хона. Телефон 46-39-55.

Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси қошидаги

МАХСУС ВОСИТАЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИ

САНОАТ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИГА

Ишчиларга қўшимча ҳақ белгилаш учун газланганлик, чангланганлик, ёритилиш ҳолати, шовқин ва тебраниш, электромагнит майдони даражаси бўйича паспортизациялашни ўтказиш ва меҳнат шарт-шароитларига баҳо бериш юзасидан

1990 ЙИЛГА

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бажарилган иш учун давлат баҳоларига мувофиқ пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 341-уй. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 48-12-43, 48-73-95.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 106-ўрта мактаб томонидан **Джўраев Суръат Ғофурович** номига берилган Д—651324 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Ҳамза районидаги 11-ўрта мактаб томонидан **Джамалов Шарофитдин** номига берилган ВҲ№ 697199 номерли йўқолган

11-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Орженикидзе районидаги 5-ўрта мактаб томонидан **Эшмуҳамедов Жалол Пирматович** номига берилган 967203 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 203-ўрта мактаб томонидан **Пармонов Асролбек Абдусаматович** номига берилган 259409 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«УЗГИДРОМЕТ»

Қоғоз қирқиш машинаси, сим тўқиш машинаси, босмахона пресси, КН станогини

СОТАДИ

Маълумотлар учун телефон — 35-86-13.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/II да **Дон Карлос** (19.00), 21/II да **Жизель** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/II да **Ўғрини қароқчи урди**, 21/II да **Пуч.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/II да **Концерт**, 21/II да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/II да **Гўзаллар ва миршаблар**, 21/II да **Сўнаётган юлдузлар.**

КИНО

19 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МИССИСИПИ АЛАНГА ИЧИДА» (катта зал, 18.30, 20.40).

Чайка — «КИЧИК ГУВОҲ» (18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (17, 20).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (17.00); «ЕВУЗ КУЧ» (18.30, 21.00).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (18.30, 20.45).

Москва — «ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19.20, 20.40),

20, 21 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МИССИСИПИ АЛАНГА ИЧИДА» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Чайка — «КИЧИК ГУВОҲ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (12, 14.30, 17.20).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (11, 13, 15, 17.00); «ЕВУЗ КУЧ» (18.30, 21.00).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (11, 13, 15.00); «ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19, 20.40).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

9 ва 10 синф ўқувчиларини ва ўрта маълумотга эга бўлган кишиларни

ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Техникум адреси: 700041, Тошкент шаҳри, Бабушкин кўчаси, 4-уй (9, 17, 18-троллейбуслар; 16, 13, 22-трамвайлар; 83-87-автобусларнинг «Техникум» бекати). Телефонлар 62-56-27, 62-15-71, 62-87-01.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«МАТБУОТ» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги

3-БОСМАХОНА

чекланмаган ҳолда турли ташкилотлардан гувоҳномалар, синов дафтарчалари, шаҳодатномалар, ўқувчи билетлари, ҳар хил папкалар, блокнотларни тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-босмахона адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Муродов кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 24-86-77, 24-79-97.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ ИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкентдаги «Ўзбекистон» чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-чарм заводига;

ишчилар.

Ёлғиз кишилар шинам ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ёки Сергели район аҳолини ишга жойлаштириш бюроси — Спутник шаҳарчаси, 2-квартал, 69-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими коллективи бўлимнинг етакчи илмий ходими М. А. Турсуновга отаси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Ориф ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 02099.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.